



ТУҒМА ЮРАК НУҚСОНИ МАВЖУД БОЛАЛАРДА ПАРОДОНТ ТЎҚИМАЛАРИ ҲОЛАТИНИНГ ЦИТОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ

Хамроева Дилафруз Шукуровна

Бухоро давлат тиббиёт институти

Таянч сўзлар: туғма юрак нуқсони, кўк шакли, оқ шакли, пародонт тўқимаси, цитологик ўзгаришлар.

Ҳозирги вақтда болаларда юрак етишмовчилигининг тарқалиши ортиб бормоқда, бу мураккаб туғма юрак нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашдаги ютуқлар ва замонавий терапия усуллари фонида кардиомиопатияли болаларнинг умр кўриш давомийлигининг ошиши билан боғлиқ.

Мавзунинг долзарблиги: Болаларда ҳар қандай соматик касалликларнинг мавжудлиги стоматологик касалликлар ривожланишига олиб келади. Замонавий болалар стоматологиясида тизимли касалликларнинг болалар оғиз бўшлиғи аъзоларининг ҳолатига таъсирини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу масала оғир кечувчи касалликлар, шу жумладан юрак нуқсони бўлган болаларда ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Юрак-қон томир патологияси бўлган беморлар оғиз бўшлиғида характерли ўзгаришлар, пародонт касалликлари ривожланишида муҳим боғлиқлик аниқланган. Шу муносабат билан ушбу беморларда оғиз бўшлиғи ҳолатини баҳолаш ва профилактика чораларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Олимлар томонидан юрак нуқсони мавжуд болаларнинг оғиз бўшлиғида гигиена даражаси ўрганилган ва ёмон ва жуда ёмон гигиена даражаси аниқланган. Бемор болаларнинг стационарда узоқ вақт бўлиши ва назорат йўқлиги, шунингдек умумий ҳолатнинг оғирлиги (иситма, мадорсизлик, чарчоқ, оғрик) оғиз бўшлиғида гигиенанинг ёмонлашувига олиб келади. Бунинг натижасида болаларда тиш кариеси ва пародонт касалликларининг юқори интенсивлик даражаси ва кенг тарқалиши кузатилади (Козлитина И.Ю., Скакодуб А.А., 2019).

Мавзунинг долзарблиги: туғма юрак нуқсони мавжуд болаларда пародонт тўқималари ҳолатининг цитологик ўзгаришларини аниқлашни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоят болалар қўп тармоқли тиббиёт маркази, кардиоревматология бўлимида даволанишда бўлган Бухоро шаҳар ва туман поликлиникаларида яшаш манзили бўйича “Д” назоратида турган, туғма юрак нуқсонининг кўк шакли мавжуд 1-2-ёш гуруҳи 17 нафардан, оқ шакли мавжуд 1-ёш гуруҳи 8 нафар ва 2-ёш гуруҳи 11 нафар бола жалб қилинган. Назорат гуруҳига ёш бўйича асосий гуруҳга мос равишда 6 нафарга 7 нафар соғлом бола киритилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида оғиз суяқлиги, гигиена воситалари, пародонт юмшоқ тўқималарининг суртмалари хизмат қилган.

Натижа ва таҳлиллар:



Оғиз бўшлиғи касалликларини даволаш учун мавжуд стандартларни оптималлаштиришда туғма юрак нуқсони касаллигининг бошқа органлар ва тизимларнинг шикастланиши, шу жумладан тиш саломатлиги ҳолати билан боғлиқлигини ҳисобга олиш керак, бу эса ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.


Цитологик тадқиқот ўтказилганда пародонт тўқималарининг сурункали катарал гингивитга мос келувчи ўзгаришлари аниқланди (1 - жадвал).

Тадқиқот гуруҳлари ўртасида цитологик текширувнинг дастлабки кўрсаткичлари, (M±m)

Цито-логик тадқи-кот	Кўк шакли		Оқ шакли		Назорат гуруҳи	
	1- ёш гуруҳ (n=17)	2- ёш гуруҳ (n=17)	1- ёш гуруҳ (n=8)	2 -ёш гуруҳ (n=11)	1- ёш гуруҳ (n=6)	2- ёш гуруҳ (n=7)
1. ЭҲ	69,71±1,3*	69,52±2,8*	71,43±2,0*	71,88±2,03**	84,49±1,4	86,64±1,9
ЯЭҲ	37,56±1,5**	36,41±1,4**	38,17±1,6	36,31±1,6*	44,18±1,4	45,11±2,0
ДЯҲ	32,15±0,6*	33,11±1,3**	33,26±1,5*	35,57±1,5	40,31±1,0	41,53±1,4
2. ЦА	1,59±0,03**	1,65±0,03*	1,46±0,05*	1,53±0,05*	0,60±0,03	0,59±0,02
ВЦҲ	0,43±0,02**	0,45±0,01*	0,35±0,01*	0,41±0,01*	0,17±0,01	0,18±0,01
ДЯҲ	0,51±0,02**	0,53±0,01*	0,49±0,01*	0,48±0,01*	0,13±0,01	0,15±0,01
БҚ	0,09±0,004	0,08±0,003**	0,09±0,004	0,07±0,004	0,08±0,004	0,07±0,01
КҲ	0,39±0,02*	0,41±0,02*	0,38±0,02*	0,39±0,02*	0,19±0,004	0,17±0,01
ФҲ	0,17±0,01*	0,18±0,01*	0,15±0,01*	0,18±0,01*	0,03±0,003	0,02±0,002
3) БТҲ	43,84±1,38*	43,56±0,99*	43,84±1,3*	43,56±1,3*	19,57±0,6	18,86±0,99
ПМЯҲ	37,91±1,26*	37,40±1,82*	37,91±1,6*	37,40±1,6*	17,01±0,73	15,78±0,6
ШМ	2,95±0,08*	2,87±0,08*	2,95±0,1*	2,87±0,1*	1,71±0,06	1,65±0,07
ОЯМ	2,98±0,08*	3,29±0,19*	2,98±0,14*	3,29±0,14*	1,35±0,06	1,43±0,06

Изоҳ: * - назорат гуруҳига нисбатан (* - P<0,001; ** - P<0,01); ^x - даволашдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан фарқлар ишончлилиги (^{xxx} - P<0,05); 1. ЭҲ – эпителиал хужайралар; ЯЭҲ – ядрога эга хужайралар; ДЯҲ – дағал ядроли хужайралар. 2. ЦА-цитопатология аломатлари; ВЦҲ- вакуолизирланган цитоплазмали хужайралар; ДЯҲ- деформацияланган ядроли хужайралар; БҚ- базофил кўшимчалар; КҲ- контаминирланган хужайралар; ФҲ- фагирловчи хужайралар; 3. БТҲ- боғловчи тўқима хужайралари; ПМЯҲ- полиморф ядроли хужайралар; ШМ- шикастланмаган моноцитлар; ОЯМ- очиқ ядроли моноцитлар.

Соғлом болалар цитологик тадқиқотида 1-ёш гуруҳда 84,49±1,4% ва 2-ёш гуруҳда 86,64±1,9% га тенг эпителиал хужайралар устунлиги аниқланган. Туғма юрак нуқсони мавжуд ҳар иккала гуруҳ болаларда хужайра тўпламида эпителиал хужайраларнинг 1,2% дан ортик камайиши ва шу аснода цитоплагия ҳодисаси билан хужайраларнинг кўк шакли 1-ёш гуруҳда 2,6%, 2-ёш гуруҳда 2,8%, оқ шакли 1-ёш гуруҳда 2,4% ва 2-ёш гуруҳда 2,6% ишончли ўсиши кузатилган (1-расм).



1-расм. Тадқиқот гуруҳлари ўртасида цитологик текширувнинг дастлабки кўрсаткичлари (%)

Вакуолизацияланган цитоплазмали хужайралар миқдори кўк шакли биринчи ва иккинчи ёш гуруҳда 2,5%, оқ шакли 1-ёш гуруҳда 2,1% ва 2-ёш гуруҳда 2,3% га, деформацияланган ядроли хужайралар кўк шакли 1-ёш гуруҳда 3,9%, 2-ёш гуруҳда 3,5%, оқ шакли 1-ёш гуруҳда 3,8% ва 2-ёш гуруҳда 3,2% га ошганлигини кўриш мумкин.

Яллиғланиш инфилтрати полиморф ядроли хужайраларининг (ПМЯХ) ортиши 1-ёш гуруҳга 2,2% ни, 2-ёш гуруҳга 2,4% ни, шикастланмаган моноцитлар 1,74% ни ташкил қилган. Милкда яллиғланиш реакцияси мавжудлиги, клиник визуал намоён бўлмайдиган сурункали катарал гингивитнинг аломатсиз кечишини тавсифлайди. Сурункали катарал гингивитнинг эрта ташҳиси ва пародонтнинг юмшоқ тўқималарида яллиғланиш жараёни мавжудлигини аниқлаш учун цитологик тадқиқотдан фойдаланиш тавсия этилган.

Туғма юрак нуқсони мавжуд болаларда цитологик кўрсаткичлар пародонт юмшоқ тўқималарида яллиғланиш жараёнининг мавжудлиги ва устунлигини очиқ кўрсатган ва исботлаб берган. Болаларнинг солиштирма маълумотлари таҳлили билан, туғма юрак нуқсонининг клиник кечиш шаклидан қатъий назар, пародонт юмшоқ тўқималари суртмаларининг цитологик тадқиқотида асосий касалликнинг кортикостероид ва ностероид яллиғланишга қарши воситаларнинг катта дозаси билан даволаш ўтказилиши туфайли клиник жиҳатдан суст ифодаланган ёки ифодаланмаган сурункали катарал гингивит кечишига хос мезонлар аниқланган.

Хулоса. Пародонт юмшоқ тўқималаридан суртмаларнинг цитологик ўрганилиши касалликни эрта ташҳислаш, пародонт тўқималарида яллиғланиш жараёни бошланғич шакллари ташҳислашда фойдаланиш имконини берди.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Hamroyeva Dilafruz Shukurovna. General dental condition and characteristics of dental caries in children with heart defects// American Journal of Medicine and Medical Sciences. USA. -2023. - №2 (13). - P. 153-155. DOI:10.5923/j.ajmms.20231302.26 <http://article.sapub.org/10.5923.j.ajmms.20231302.26.html>
2. Ҳамроева Дилафрўз Шукуровна. Туғма юрак нуқсони билан касалланган болаларда оғиз суюқлигини клинко-лаборатор текшириш ва тиш кариеси профилактикасини такомиллаштириш// Тиббиётда янги кун. Илмий-рефератив, марикий-маънавий журнал. Бухоро. -2023. - №6 (56). - 232-237 Б.
3. Hamroeva Dilafruz Shukurovna. Prevalence indicators of caries and parodont soft tissue diseases in children with congenital heart defects// Eurasian Medical Research Periodical. Belgium. -2023. - Volume 21. - P. 165-169. (Impact factor: 8.1)
4. Д. Ш. Ҳамроева. Юрак нуқсони билан оғриган болаларда пародонт тўқималари ҳолатининг цитологик ўзгаришларини аниқлаш кўрсаткичлари// Доктор Ахборотномаси. Илмий-амалий журнал. Самарканд. -2023. - №2 (110). - 105-110 Б.
5. Мирсалихова Ф.Л., Ҳамроева Д.Ш. Туғма юрак нуқсони мавжуд болаларда асосий стоматологик касалликларнинг тарқалиш кўрсаткичларини баҳолаш// Стоматология. Илмий-амалий журнал. Тошкент. -2023 (91-92). - №2-3. – 86-90 Б.
6. Ҳамроева Дилафруз Шукуровна. Юрак нуқсони билан касалланган болаларда асосий стоматологик касалликларнинг тарқалиш кўрсаткичларини баҳолаш// Журнал стоматологии и краниофациальных исследований. Самарканд. -2023. - №4 (3). – С. 23-26 .
7. Даминова Ш.Б., Мирсалихова Ф.Л., Ҳамроева Д.Ш. Сравнение методов диагностики кариеса зубов у детей // Педиатрия. Ташкент, - 2021. - №: 3 - С. 269-272. ISSN 2091-5039.
8. Hamroyeva D.Sh. The method of determining the viscosity of saliva in children with a common heart defect and cytological studies// New day in medicine. Bukhara. -2022 (сентябрь). -№9 (47). –P. 7-10. ISSN 2181-712X. EISSN 2181-2187.
9. Hamroyeva D. Sh. COMPARATIVE EFFECTIVENESS OF TREATMENT OF INITIAL DENTAL CARIES IN CHILDREN // NEW DAY IN MEDICINE. Bukhara. -2022. -№: 3 (41). -P. 109-112. ISSN 2181-712X. EISSN 2181-2187.
10. Hamroeva Dilafruz Shukurovna. Comparative evaluation of the therapeutic effect of individual and complex dental examination in children with common heart disease// European journal of modern medicine and practical. -2022(Oct). -Vol. 2 No.10. -P. 103-107. EJMMMP ISSN: 2795-921X.
11. Hamroeva Dilafruz Shukurovna. Assesment of the condition of the oral cavity in children with heart defects// European journal of modern medicine and practical. -2022(Nov). -Vol. 2 No. 11. - P. 42-47. EJMMMP ISSN: 2795-921X